

Момом кетиб бораётир, кулчаси қолиб бораётир. – Туя оёғининг изи. Топишмоқда берилган «момо» → туя; кулчаси → туя оёғининг изи. Демак, янги объект (момо) дастлабки икки ҳолатдан (туя ва издан) таркиб топган [1].

Агар ДХ билан ЎХ сегментацияси бир хил бўлса, улар бир турли ҳисобланади. Бу шартнинг бажарилишини қуйидаги топишмоқда кўришимиз мумкин. Масалан: Хоннинг белбоғи, белига етмас. – Билак узук. Бу топишмоқда одамнинг биринчи бўлиб туриши жуда қизиқ ҳол. Ахир топишмоқда биринчи галда «билак узук» → бел, кейингина – одам тасвирланган. Ана шунинг учун ҳам одамнинг қўли фақат тирсаккача ифодаланган бўлиб, унинг ҳажмининг кўриниши тушунарсиз бўлиб қолган.

Демак, белгиланган ҳолатда дастлабки ҳолат билан ўзгарган ҳолати структурасидаги ҳар хиллик тугатилса, унда топишмоқ изоморф деб эътироф этишни талаб қилмайди. А.Н.Журинский халқ топишмоқларида бир-биридан фарқ қилувчи объектлар мутлақ тўлиқ изоморф бўла олмаслигини алоҳида таъкидлайди.

Халқ топишмоқлари тилида изоморфизмнинг бузилиш ҳоллари кўп учрайди. Бу нарсa унинг қисмининг объектдан ажралишида ва бутунлай ёт объектга айланишида кўринади. Шундай бўлса-да, бундай ўзгариш ўз-ўзидан топишмоқда алдамчи ҳисни (эффектни) юзага келтирмайди. Чунки шу асосда қурилган топишмоқлар ҳам мутлақ изоморф деб қабул қилинади. Мисол учун: Бойнинг ўғли кўкка қараб йиғлайди. – Бойўғли; бойнинг ўғли → бой ўғли. Бунда жумбоқ бўлган ўрмон қуши «бойўғли» умуман, ёт объектга – бой одамнинг ўғлига айлантирилган.

Бир ўзи, минг кўзи. – Элак. Бу ерда, элак сеткачасининг тешикчалари кўзга ўхшатишган. Элак ўзбек халқининг миллий уй-рўзгор буюми. Элакдан ун ва шунга ўхшаш маҳсулотларни элаш учун фойдаланилади. Топишмоқда элакнинг ўзи ва унинг қисми бўлган сеткачасининг тешиклари бутунлай ёт объект → «кўзга» кўчган.

Кўринадики, бу нарсалар бутун билан қисмнинг ўзаро боғланишига асосланади. Шунингдек, бутуннинг ўзгариши айнан бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшаш ҳодиса бўла олмаслигига қаралади. Бутун ва қисм бир предметда мужассамлашган моҳиятни акс эттиради.

Демак, халқ топишмоқлари тилида шакл ва мазмун ўхшашликларини асосий ўрин тутаяди. Топишмоқлар семантикаси уларнинг мазмунида, ҳажмида, белги-хусусиятларида ўз ифодасини топади.

Ўйлаймизки, топишмоқларни лингвистик таҳлил қилиш, маъно қирраларини ўрганиш тилшуносликдаги долзарб муаммолардан бири. Бу нарсa ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Хусанова З. Ўзбек топишмоқлари. Т: «Фан», 1966, 58-б.; [2]. Топишмоқлар. Т.: Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санат нашриёти. 1981.

Андижон Давлат университети.

Қабул қилинди:
08.09.2004.

УДК: 894.375.

МУСАФФО ЧАШМАЛАРДАН БИРИ

Ш.Эргашева

Саида Зуннуова деганда, академик Ғофур Ғулом таъбири билан айтганда, «хотин-қизларга хос назокат, ифодай татимли лирикаси билан дилларимизни эркалатиб, ҳордиқларимизни ёзиб, меҳнатга рағбатимизни тоблантириб, идрокимизни гўзалликлар томон етаклайдиган фаҳмли шоирамиз кўз олдимизга келади».

Сўз санъатининг таржимадан бошқа деярли барча турларида баракали ижод қилган, ўтган асрнинг 50-70-йиллар адабий ҳаётида ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлган шоира жуда мураккаб замонда яшаб, ижод қилди.

Шеър-инсон руҳиятининг мураккаб, англаб бўлмас қирраларини сўзнинг сеҳрли кучи воситасида кашф этувчи, унга ором, далда ва завқ-шавқ берувчи илоҳий неъмат. Ундан таскин топиш, лаззатланиш, ҳис қилиш, тушуниш мумкин, лекин тугал тадқиқ қилиш қийин. Шеърят тадқиқига бағишланган ишида Улуғбек Ҳамдамов шундай ёзади: «...шеърят симоб янглиғ доимий ҳаракатда. Уни кафтга олиб тадқиқ этиш, у ҳақда тугал хулосалар чиқаришни истамак хом ҳаёл. Шеърят тўғрисида айтилган ҳар бир фикр, ҳатто бу ишга бағишланган бутун-бутун умрлар ҳам уни тутиб олиш учун қўйилган тузоқлардан ўзга нарса эмас». Балки шу туфайли бу ғаройиб дунёга кириш, унинг яратувчиси бўлиш барчага насиб бўлмас. Бундай бахт Саида Зуннуновага боққан ва уни элга танитган эди.

Саида Зуннунова шеърларига назар ташлар эканмиз, қайси мавзуда бўлишидан қатъий назар фақат унинг ўзигагина хос бўлган тасвир услубини, соддалик ва равлонликни, фикрларнинг самимийлигини, кутилмаган поэтик хулосалар чиқаришдаги маҳоратни кўришимиз мумкин. Шоиранинг шеърлари ҳаётий ҳодисаларнинг оддийгина акс-садоси ёки қуруқ насиҳат, шиорларнинг ифодаси эмас. у ўзини қувонтирган ёки ранжитган, ўртаган турткиларни ўзлигида, қалбида ҳис этиб, ҳаяжонга, изтиробга тушган чоғидагина қўлига қалам олади. Шу сабабли ўқувчини туйғуларига шерик қилиб, руҳий оламнинг сирли гўшалари томон етаклайди. Шеър якунида эса шундай хулосалар чиқарадики, улар кишини бефарқ қолдирмайди, фикрлашга, мавжуд бўлгану эътибор қилмаганимиз оддий ҳодисалар ҳақида ҳам жиддий мулоҳазалар юритишга ундайди:

Баъзан табиатнинг сеҳри-ла оқиб,
Олис-олисларга ташлайсан нигоҳ.
Ранглар жилваланар қалбингни ёқиб,
Ранглар жилваланиб ёнади ногоҳ.

Бу сатрларни ўқиб дастлаб шеър табиат тасвирига бағишланган бўлса керак деган хулосага келиш мумкин. Кейинги банд ҳам тоғлар, уларнинг боши узра ястаниб ётган бепоён осмон тоғ этакларидаги булоқларнинг шарқираб оқаётган зилол сувлари тасвирига бағишланган бўлиб, бу гўзалликлардан ўқувчини ҳам баҳраманд этади. Сўнгги бандда эса муаллиф айтмоқчи бўлган гапини образли тарзда чиройли хулосалайди:

Шунақа чиройли кўринар йироқ,
Шошилма, азизим, бунча энтикма.
Аввал оёғингнинг остига бир боқ,
Бирон гулни янчиб ўтмадингмикан?..

Ҳаётда инсон доимо бир хил кайфиятда бўлолмаганидек, Саида Зуннунова шеърларининг лирик қаҳрамонини ҳам турли руҳий ҳолатларда кўриш мумкин. Бундай ҳолларда шоиранинг маҳорати қувончу шодлигини китобхон билан баҳам кўра олишида, чеккан изтиробларини ўзгаларга юктира олишида, воқеа-ҳодисаларнинг сабабияти ва оқибати ҳақида мушоҳадага чорлай олишида намоён бўлади. Лирик қаҳрамон нечоғлик оғир вазиятга тушиб, тушкун кайфиятда бўлмасин умидсизланмайди, аксинча, шу ҳолдан ҳам гўзаллик ахтаришга, келажакка ишонч билан яшашга интилади ва бунинг уддасидан чиқади ҳам:

Бир дўст азасидан келдим эзилиб,
У тушган қабрдек тор бўлди дунё.
Ақлу ҳиссим хаста, қолган безиллаб,
Оҳ, кошки бўлсайди дердим бу рўё.

Лирик қаҳрамонни бундай тушкун ҳолатдан бошқа бир танишининг тўйига ташлаб кетилган таклифнома ва ногоҳ қўшни хонадондан эшитилиб қолган ёқимли алла садоси олиб чиқади. Унда ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқ ортади:

Нафис бир меҳрга, яшаш ишқиға
Юрак лим-лим тўлди чўнг тарозининг
Шодликлар тўплаган палласи енгди.
Яхшики оламда кўникиш бахти,
Улғайиш, туғилиш соатлари бор...

Инсон ва унинг ҳаёти жумбоқлари Саида Зуннунова шеъриятининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шоира инсон аталмиш хилқатнинг дунёга келиши яшашдан мақсади, бир мартагина бериладиган умр неъматидан қандай фойдаланиш ва уни неларга сарфлаш каби саволларга ўз шеърлари орқали жавоб излайди. Бу саволларига атрофимиздаги жўнгина воқеа-ҳодисалар, нарсалар қатидан ўзини қониқтирадиган ва ўқувчини ҳам ишонтириб, ортидан эргаштира оладиган далиллар топади. «Қоғоз гул» деб номланган шеърида қаҳратон қишнинг қор бўралаб ёғиб турган бир чоғида иссиқ уйда очилиб турган қоғоздан ясалган гул тасвирланади. У қанчалик нафис ва чиройли, ранг-баранг бўлмасин ҳеч ким ҳидлаб баҳра олмайди. Булбул унинг ишқида куйламайди, капалаклар устида ўйноқлаб, ари бол йиғмайди. Худди шу ҳолда қарама-қарши ўлароқ ташқарида қор уюми остидан баҳорни кутиб, қуёшни қидириб нимжонгина гул новдаси чиқиб турибди. Лирик қаҳрамон бу ҳолдан таъсирланади ва «мана бу чинакам умр» дея ўйлайди:

Фақат ўзини дею, ўзин авайлаб,
Биров ҳавас қилмаган заиф бахтидан
Бир ўзи қувониб ва қилиб ҳузур
Бир кичик хонанинг бўлгунча нақши,
Ҳаётнинг қишини, ёзини кўриб,
Бир баҳор яшаган, яшнаган яхши.

Шоира яшашдан мақсад бировга яхшилик қилиб, елкадош бўлиб, энг асосийси, керакли бўлиб яшашдир, дейди. Инсоният тараққиётига хизмат қилувчи зиналарнинг битта поғонаси бўлиб, йўлда турмоқни ўзига шараф деб билади:

Битта поғонангиз бўлса кошкийди,
Кимдир босиб ўтиб олдинга юрса,
Ҳеч қандай умрга келмасди рашким.
Унутилган битта поғона бўлиб,
Шарафли, муборак шу йўлда турсам.

Шеърият мисли бир неча чашмалардан ҳосил бўлгувчи дарё. Саида Зуннунова ижоди ҳам мана шу чашмаларнинг бири. Ундан қонгунча сипқориш мумкин. Лекин инсонда оби ҳаётга бўлган эътиёж умрининг охирига қадар бўлганидек, шеърият булоғидан бир бора баҳраманд бўлган киши унга қайта-қайта талпиниш шубҳасиз.

Ўзбекистон Миллий университети.

Қабул қилинди:
22.01.2005.

УДК: 809.437.5.3.

ПЕРИФРАЗЛАР ШАКЛЛАНИШИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Р.Нормуродов

Маълумки, перифразнинг шаклланиши мураккаб ижтимоий-лисоний жараён ҳисобланиб, ҳозирга қадар мавжуд илмий адабиётларда перифразтик шаклланиш масаласида етарлича маълумот мавжуд эмас. Натижада перифраза шаклланишининг ўзига хос восита ва усуллари узил-кесил ўрганилиши алоҳида тадқиқотни талаб этади.

Бинобарин, ўзбек тилшунослигида перифраза ва унинг ифода усули, тасвирий объект сифатидаги ўрни, ёндош ҳодисаларга муносабатига доир айрим илмий мақола ва диссертациялар юзага келган [1] ҳамда шу тадқиқотлар перифразнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Шу сабабдан ушбу